



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 12 » iyul

№ 434

Toshkent sh.

### **Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 3 мартағи ПҚ-5017-сон, “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 14 июнданги ПҚ-5146-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидиялар ажратиш соҳасидаги муносабатларни хукуқий тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

**1. Куйидагиларни назарда тутувчи Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш шартлари;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратишда талаб этиладиган ҳужжатлар, уларни кўриб чиқиш ҳамда субсидия ажратиш тўғрисида қарор қилиш тартиби;

субсидия ажратишни рад этиш асослари ва субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қарор бўйича шикоят қилиш тартиби;

ажратилган субсидиядан субсидия олувчи томонидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби.

**2. Чорвачилик маҳсулотлари учун субсидия ажратилишини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Давлат солик қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш жараёнида электрон ахборот тизими орқали маълумотлар алмашинувини йўлга қўйсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 12 июлдаги 434-сон  
қарорига 1-илова

**Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига  
улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун  
субсидия ажратиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидиялар ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**маҳсулотлар** – хўжаликларнинг ўзида етиштирилган йирик ва майда шохли моллар гўшти, сути, парранда (товуқ, бедана, ўрдак, ғоз, курка ва тужуқуш) тухуми, гўшти, интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқлари (лосось, форель ва осётр) ҳамда қолган турдаги балиқлар;

**контрагент** – солиқ тўловчи билан хўжалик муносабатларида шартнома тузувчи тараф;

**субсидия** – чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик маҳсулотлари етиштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун юридик шахсларга ва якка тартиbdаги тадбиркорларга қайтармаслик шарти билан бюджетдан ажратиладиган маблағ;

**субсидия олувчилар** – қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида солиқ органларида рўйхатдан ўтган ва қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентларни танлашда лозим даражада эҳтиёткор бўлган чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳамда ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи якка тартиbdаги тадбиркорлар;

**чорвачилик субъектлари** – йирик ва майда шохли моллар гўшти, сути, парранда (товуқ, бедана, ўрдак, ғоз, курка ва тужуқуш) тухуми, гўшти, интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқлари (лосос, форель ва осётр) ҳамда қолган турдаги балиқлар етиштирувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар;

**интенсив усулда балиқ етиштириш технологияси** – сунъий сув ҳавзалари, кичик сув ҳавзалари, ёпик сув айланма тизими ва қафас (садок) мосламаларида интенсив усулда балиқ етиштириш технологияси;

**йирик ва майда шохли моллар** – жисмоний ва юридик шахслар томонидан сақланадиган (парваришланадиган) ва урчитиладиган уй ҳайвонлари – қорамол, қўй ва эчки;

**қафас (садок) мосламаларида интенсив балиқ етиштириш технологияси** – очик сув ҳавзаларида турли ўлчамдаги қафас мосламалари ўрнатилиб, сув ости қисми тўр билан ўралган ва ушбу тўрнинг сув устки қисми маҳсус мосламага (темир, пластик) маҳкамланган ҳолда 1 м<sup>3</sup> ҳажмдаги сувда 10 кгдан кам бўлмаган балиқ етиштириш технологияси.

3. Экспортга сотилган чорвачилик, парранадачилик ва балиқчилик маҳсулотларига субсидия ажратилмайди.

## **2-боб. Субсидия ажратиш шартлари**

4. Кўшилган қиймат солиги тўловчиси бўлган субсидия олувчиларга 2021 йил 1 июндан бошлаб республика бюджетидан қуидаги миқдорда субсидия ажратилади:

паррандачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 1000 сўм;

чорвачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида етиштирилиб, гўшт учун сотилган йирик ва майда шохли моллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўм;

балиқчилик хўжаликларига – интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқларининг (лосось, форель ва осётр) ҳар бир килограмми учун 3 000 сўм қолган турдаги балиқлар учун 1 000 сўм миқдорида.

5. Субсидия кўшилган қиймат солигидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентнинг солик органларида қўшилган қиймат солиги тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган тақдирда ажратилади.

6. Субсидия ажратишни рад этиш учун қуидагилар асос бўлади:

субсидия олувчи ушбу Низомнинг 4, 5, 10 ва 12-банndlари талабларига мос келмаса;

субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда Чорвачилик маҳсулотлари учун субсидия ажратилишини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

Ушбу бандда қайд этилганидан ташқари бошқа ҳолатларда, сотиб олувчига субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

7. Субсидия олувчи субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юкори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

8. Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари электрон ҳисобварап-фактуралар ва “on-line” касса аппаратлари орқали сотилганда, сотилган маҳсулот номи (товар коди) ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ электрон ҳисобварап-фактуралар (савдо чеклар) шакллантирилади.

9. Маҳсулотларни нақд пул ёки банк картаси (тўлов терминали) орқали сотиш бўйича “on-line” касса аппаратларини ўрнатиш субсидия олувчилар зиммасига юкланди.

10. Йирик ва майда шохли моллар гўшти (тирик вазндан), парранда гўшти ва балиқ килограмм, сут литр, парранда тухуми дона ўлчов бирлигидан ёзилади.

11. Йирик ва майда шохли молларнинг 1 килограмм тирик вазндан гўштининг сўйим чиқими (суб маҳсулотларсиз) коэффициенти 55 фоиз ҳисобида ҳисобга олинади.

12. Чорвачилик хўжаликлари идентификация қилинган ҳамда ихтисослаштирилган сўйиш корхоналарида сўйилган йирик ва майда шохли молларнинг гўшт маҳсулотларини сотади.

### **3-боб. Субсидия ажратиш учун талаб этиладиган хужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

13. Субсидия олувчилар ўз хўжалигидан этиштирилган маҳсулотларни сотишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг “my.vetgov.uz” сайти орқали худудий “Чорванасл” маркази туман вакилига (кейинги ўринларда – Вакил) ариза билан мурожаат қиласи.

Вакил субсидия ажратиш билан боғлиқ ариза ва унга илова қилинган хужжатларни кўриб чиқиш учун комиссияга тақдим этади.

14. Субсидия олувчилар томонидан тақдим этилган ариза ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема асосида кўриб чиқилади.

15. Чорвачилик субъекти томонидан сотилган маҳсулотларга субсидия олиш учун ариза ушбу Низомга 3, За ва 3б иловаларга мувофиқ топширилади.

16. Комиссия субсидия олувчининг аризасига кўра сотиладиган маҳсулотларни ўз хўжалигидан этиштирилганлиги ва маҳсулотларнинг тегишли турлари бўйича беш иш кунида ушбу Низомга 4, 4а ва 4б иловаларга мувофиқ хulosса беради ҳамда “my.vetgov.uz” сайти орқали электрон шаклда “Ўзбекчорванасл” агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) тақдим этади.

17. Агентлик хulosса келиб тушган санада Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида интеграция қилинган маълумотлар базасидан электрон тартибда фойдаланади.

18. Субсидия олувчи ўз хўжалигида етиштирган чорвачилик маҳсулотларини сотгандан сўнг Агентлик комиссия хulosаси ва солик органларининг маълумотлари натижасига кўра субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан беш иш кунида ариза берувчига электрон шаклда жавоб хати юборади.

### **5-боб. Субсидияни ажратиш тартиби**

19. Агентлик календарь йил мобайнида чорвачилик субъектларига ажратиладиган субсидиялар тўғрисидаги маълумотларни Низомга 5, 5а ва 5б иловалардаги шаклларда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига тасдиқлаш учун тақдим этади ва улар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан уч иш кунида тасдиқланади.

20. Комиссия хulosаси ва солик органларининг маълумотлари ижобий бўлган тақдирда, электрон шаклдаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига юборилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот тизими орқали келиб тушган Агентликнинг хulosасини олгандан сўнг бир иш кунида бюджетдан шу мақсадга ажратилган маблағлар доирасида тегишли субсидия суммасини субсидия олувчининг банк ҳисобварафига ўтказади.

22. Субсидия субсидия олувчи томонидан берилган аризага асосан кейинги ойнинг 25-санасига қадар ажратилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда субсидия олувчиларга субсидия ажратиш учун зарур маблағларни ҳисобга олади.

### **6-боб. Якунловчи қоидалар**

24. Субсидия бериш бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади

Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, суд тартибида ҳал қилинади.

Комиссия ва солик органлари тақдим этган хulosаси ва маълумотларининг ҳаққонийлиги учун ўзлари жавобгар ҳисобланади.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ажратилган субсидиялардан мақсадли фойдаланилишини назорат қиласди.

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва  
сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Электрон ҳисобварак-фактурага киритиладиган  
МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИ**

T/p	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот (хизмат)ларнинг Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди
1.	Сигир сути	литр	04010402
2.	Эчки ва қўй сути	литр	0401209900
3.	Қорамол гўшти (тирик вазнда)	кг	0201300005
4.	Қўй ва эчки гўшти (тирик вазнда)	кг	0204230000, 0206809900
5.	Парранда тухуми	дона	0407210000
6.	Парранда гўшти (сўйилган вазнда)	кг	0207141009
7.	Балиқ (лосось, форель ва осётр)	кг	0303130000
8.	Бошқа турдаги балиқ	кг	0305697000

**Кўшилган қиймат солиги тўловчисининг субсидия олиш тўғрисидаги  
аризасини кўриб чиқиш ва субсидия ажратиш тартиби  
СХЕМАСИ**

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Субсидия оувчи	Субсидия оувчилар ўз хўжалигига етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олдин Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасининг “my.vetgov.uz” сайти орқали худудий “Чорванасл” маркази туман вакилига (кейинги ўринларда – Вакил) ариза билан мурожаат қилади.	ўз хўжалигига етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олдин
2-боскич	Комиссия (Чорвачилик маҳсулотлари учун субсидия ажратилишини самарали ташкил этини таъминлаш бўйича туман (шаҳар) комиссияси)	Комиссия субсидия оувчининг аризасига кўра сотиладиган маҳсулотларни ўз хўжалигига етиштирилганлиги ва маҳсулотларнинг тегишли турлари бўйича беш иш кунида ушбу Низомга 4, 4а ва 4б-иловаларга мувофиқ хулоса беради ҳамда “my.vetgov.uz” сайти орқали электрон шаклда “Ўзбекчорванасл” агентлигига тақдим этади.	беш иш кунида
3-боскич	“Ўзбекчорванасл” агентлиги	“Ўзбекчорванасл” агентлиги хулоса келиб тушган санада Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ва Давлат солик кўмитаси ўртасида интеграция килинган маълумотлар базасидан электрон тартиба фойдаланади.	уч иш кунида
4-боскич	“Ўзбекчорванасл” агентлиги	Субсидия оувчи ўз хўжалигига етиштирган чорвачилик маҳсулотларини сотгандан сўнг Агентлик комиссия хулосаси ва солик органларининг маълумотлари натижасига кўра субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан ариза берувчига электрон шаклда жавоб хати юборади.	беш иш кунида
5-боскич	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси	Комиссия хулосаси ва солик органларининг маълумотлари ижобий бўлган тақдирда, электрон шаклдаги маълумотларни Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ахборот тизими орқали Молия вазирлиги Фазначилигига юборади.	бир иш кунида
6-боскич	Молия вазирлиги Фазначилиги	Молия вазирлиги Фазначилиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ахборот тизими орқали келиб тушган Агентликнинг хулосасини олгандан сўнг бюджетдан шу мақсадга ажратилган маблаглар доирасида тегишли субсидия суммасини субсидия оувчининг банк хисобвараfiga ўtkazadi.	бир иш кунида
7-боскич	Молия вазирлиги Фазначилиги	Субсидия субсидия оувчи томонидан берилган аризага асосан ажратилади.	кейинги ойнинг 25-санасига кадар

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан етиштирилган  
ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия  
ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Чорвачилик субъектлари томонидан етиштирилган ва сотилган гўшт  
(тирик вазнда) ва сут маҳсулотлари учун субсидия олиш тўғрисидаги ариза  
НАМУНАСИ**

1.	Юридик шахснинг тўлиқ номи:	
2.	Жойлашган жойи: <i>(почта манзили)</i>	
3.	СТИР рақами:	
4.	Банк реквизитлари: <i>(банк бўлими номи, МФО ва ҳисобвараги)</i>	
5.	Телефон рақами:	
6.	Электрон почта манзили:	
7.	Хўжаликда етиштирилган ва 90 кун давомида сотилиши режалаштириладиган гўшт, тирик вазнда (кг) сут (литр).	
8.	Ихтисослаштирилган ва автоматлаштирилган сўйиш корхонасининг номи ва манзили	
9.	Сўйиладиган ҳайвоннинг идентификация рақами	

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан етиштирилган  
ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия  
ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга  
За-илова

**Паррандачилик субъектлари томонидан етиштирилган ва сотилган парранда  
гўшти ва тухум маҳсулотлари учун субсидия олиш тўғрисидаги ариза  
НАМУНАСИ**

1.	Юридик шахснинг тўлиқ номи:	
2.	Жойлашган жойи: <i>(почта манзили)</i>	
3.	СТИР рақами:	
4.	Банк реквизитлари: <i>(банк бўлими номи, МФО ва ҳисобвараги)</i>	
5.	Телефон рақами:	
6.	Электрон почта манзили:	
7.	Хўжаликда етиштириладиган ва 90 кун давомида сотилиши режалаштириладиган парранда гўшти (кг)	
8.	Хўжаликда етиштириладиган ва 90 кун давомида сотилиши режалаптириладиган тухум (дона)	

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва  
сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
Зб-илова

**Балиқчилик субъектлари томонидан интенсив усулда етиштирилган ва  
сотилган лосось, форель, осётр балиқлари (кг) ва бошқа турдаги балиқлар  
учун субсидия олиш тўғрисидаги ариза  
НАМУНАСИ**

1.	Юридик шахснинг тўлиқ номи:	
2.	Жойлашган жойи: <i>(почта манзили)</i>	
3.	СТИР рақами:	
4.	Банк реквизитлари: <i>(банк бўлими номи, МФО ва ҳисобвараги)</i>	
5.	Телефон рақами:	
6.	Электрон почта манзили:	
7.	Хўжаликда интенсив усулда етиштирилиб, 90 кун давомида сотилиши режалаштириладиган лосось, форель ва осётр балиқлари (кг)	
8.	Хўжаликда интенсив усулда етиштирилиб, 90 кун давомида сотилиши режалаштириладиган бошқа турдаги балиқлар (кг)	

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва  
сотилган маҳсулотлар учун субсидиялар ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

“Тасдиқлайман”  
туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги  
масалалари бўйича ўринбосари, туман комиссияси  
раиси

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)  
20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

## ХУЛОСА

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ туманидаги субсидия олишга талабгор “ \_\_\_\_\_ ” нинг 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги  
мурожаатига ва тақдим этилган ҳужжатларга асосан туман комиссияси томонидан жойига чиқиб ўрганилди ва қуидагилар аниқланди:

Т/р	Хўжалик номи	Жойлашган манзили	Жами мол бош сони	Шундан:		Жами ср майдони	Шундан:		Йиллик жамғарилган озиқа бирлиги (тонна)	Молхона бинолари (сони)		Етиштириладиган маҳсулот (тонна) Прогноз		Реализация килинган маҳсулот(тонна) Прогноз	
				согин сигирлар	бокувдаги моллар		озика экин	бино-иншиоат		очиқ бино	ёпиқ бино	гушт (тирик вазнда)	согиб олинадиган сут	гушт (тирик вазнда)	согиб олинадиган сут
	<b>жами:</b>														

## ЯКУНИЙ ХУЛОСА:

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ туманидаги \_\_\_\_\_ (ташкилот номи) \_\_\_\_\_ ги ҳақиқатдан ҳам ўз  
хўжалигига \_\_\_\_\_ маҳсулотни етиштиради ва сотади.

**Комиссия аъзолари:**

Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими  
бошлиғи имзо/мухр Ф.И.О.

Туман агросаноат мажмую устидан назорат қилиш инспекцияси  
вакили имзо/мухр Ф.И.О.

Туман молия бўлими мудири имзо/мухр Ф.И.О.

Туман солиқ инспекцияси бошлиғи имзо/мухр Ф.И.О.

Худудий “Чорванасл” маркази туман вакили имзо/мухр Ф.И.О.

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан  
етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар  
учун субсидия ажратиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-ицла

“Тасдиқлайман”  
туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги  
масалалари бўйича ўринбосари, туман комиссияси  
раиси

(Ф.И.О)  
20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

### ХУЛОСА

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ туманидаги субсидия олишга талабгор “\_\_\_\_\_” нинг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги мурожаатига ва тақдим  
этилган ҳужжатларга асосан туман комиссияси томонидан жойига чиқиб ўрганилди ва қўйидагилар аниqlанди:

Т/р	Хўжалик номи	Жойлашган манзили	Жами парранда сони (юз бин)	Хўжалик ташкил этилганлиги тўғрисидаги маълумот	Шундан (сони):		Ходимлар сони		Асбоб-ускуналар мавжудлиги					Етиштирилган маҳсулот		Реализация қилинган маҳсулот	
					гўшт учун	тухум учун	доимий	мавсум ий	озика таъминоти	сув таъминоти	шамоллати ш тизими	сўйиш линияси	гушт (кг)	тухум (дона)	гушт (кг)	тухум (дона)	
	<b>жами:</b>																

### ЯКУНИЙ ХУЛОСА:

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ туманидаги \_\_\_\_\_ (ташикелот номи) \_\_\_\_\_ ги ҳақиқатдан ҳам ўз хўжалигида \_\_\_\_\_ маҳсулотни  
етиштиради ва сотади.

**Комиссия аъзолари:**

Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи	имзо/мухр	Ф.И.О.
Туман агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вакили	имзо/мухр	Ф.И.О.
Туман молия бўлими мудири	имзо/мухр	Ф.И.О.
Туман солиқ инспекцияси бошлиғи	имзо/мухр	Ф.И.О.
Худудий “Чорванасл” маркази туман вакили	имзо/мухр	Ф.И.О.

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилек  
хўжаликларига улар томонидан  
етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар  
учун субсидия ажратиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
46-илова

“Тасдиқлайман”  
туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги  
масалалари бўйича ўринбосари, туман комиссияси  
раиси

(Ф.И.О)  
20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

### ХУЛОСА

Вилояти \_\_\_\_\_ туманидаги субсидия олишга талабгор “\_\_\_\_\_” нинг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги мурожаатига ва  
тақдим этилган хужжатларга асосан туман комиссияси томонидан жойига чиқиб ўрганилди ва куйидагилар аниqlанди:

T/p	Хўжалик номи	Жойлашган манзили	Интенсив сув ҳавза майдони	Интенсив усулда балиқ етиштириш технологияси				Совуқ сув балиқлари шундан:			Колган турдаги балиқлар шундан:	Етиштирилган маҳсулот (кг)	Реализация қилинган маҳсулот (кг)
				Интенсив	Ярим интенсив	Ёпик сув айланма тизими (ЎЗВ)	Қафас (садок)	Лосос	Форель	Осётр			
1	2	3	4	5	6	7	8	9		10	11	12	
1.													
2.	жами:												

### ЯКУНИЙ ХУЛОСА:

Вилояти \_\_\_\_\_ туманидаги \_\_\_\_\_ (ташиклат номи) \_\_\_\_\_ ги ҳақиқатдан ҳам ўз  
хўжалигига \_\_\_\_\_ маҳсулотни етиштиради ва сотади.

**Комиссия аъзолари:**

Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи	имзо/муҳр	Ф.И.О.
Туман агросаноат мажмуюи устидан назорат қилиш инспекцияси вакили	имзо/муҳр	Ф.И.О.
Туман молия бўлими мудири	имзо/муҳр	Ф.И.О.
Туман солиқ инспекцияси бошлиғи	имзо/муҳр	Ф.И.О.
Ҳудудий “Чорванасл” маркази туман вакили	имзо/муҳр	Ф.И.О.

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва  
сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
5-илова

\_\_\_\_\_ йилда ўз хўжаликларида етиштириладиган сут ва гўшт  
(тирик вазнда) маҳсулотларининг прогноз кўрсаткичлари жадвали  
**НАМУНАСИ**

T/r	Худудлар номи	Ўз хўжаликларида етиштириладиган қорамол ва қўй гўшти <sup>(тирик вазнда), (тонна)</sup>	Ўз хўжаликларида етиштириладиган сут, (тонна)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси		
2.	Андижон вилояти		
3.	Бухоро вилояти		
4.	Жиззах вилояти		
5.	Қашқадарё вилояти		
6.	Навоий вилояти		
7.	Наманган вилояти		
8.	Самарқанд вилояти		
9.	Сурхондарё вилояти		
10.	Сирдарё вилояти		
11.	Тошкент вилояти		
12.	Фарғона вилояти		
13.	Хоразм вилояти		
	<b>Жами</b>		

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва  
сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
5а-илова

Йилда ўз хўжаликларида етиштириладиган парранда  
гўшти (сўйилган вазнда) ва тухум маҳсулотларнинг  
прогноз кўрсаткичлари жадвали  
**НАМУНАСИ**

T/р	Худудлар номи	Ўз хўжаликларида етиштириладиган парранда гўшти (сўйилган вазнда), (тонна)	Ўз хўжаликларида етиштириладиган тухум, (минг дона)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси		
2.	Андижон вилояти		
3.	Бухоро вилояти		
4.	Жиззах вилояти		
5.	Қашқадарё вилояти		
6.	Навоий вилояти		
7.	Наманган вилояти		
8.	Самарқанд вилояти		
9.	Сурхондарё вилояти		
10.	Сирдарё вилояти		
11.	Тошкент вилояти		
12.	Фарғона вилояти		
13.	Хоразм вилояти		
	<b>Жами</b>		

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик  
хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва  
сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
5б-илова

\_\_\_\_\_ йилда ўз хўжаликлирида интенсив усулда етиштирилган  
совуқ сув балиқлари (лосось, форель ва осётр) ҳамда бошқа  
турда етиштирилган балиқ прогноз кўрсаткичлари жадвали  
**НАМУНАСИ**

T/р	Худудлар номи	Ўз хўжаликлирида интенсив усулда етиштириладиган совуқ сув балиқлари (лосось, форель ва осётр), (тонна)	Ўз хўжаликлирида бошқа турдаги етиштирилган балиқлар, (тонна)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси		
2.	Андижон вилояти		
3.	Бухоро вилояти		
4.	Жиззах вилояти		
5.	Қашқадарё вилояти		
6.	Навоий вилояти		
7.	Наманган вилояти		
8.	Самарқанд вилояти		
9.	Сурхондарё вилояти		
10.	Сирдарё вилояти		
11.	Тошкент вилояти		
12.	Фарғона вилояти		
13.	Хоразм вилояти		
	<b>Ж А М И</b>		

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 12 июл даги 434-сон  
қарорига 2-илова

**Чорвачилик маҳсулотлари учун субсидия ажратилишини  
самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича  
туман (шаҳар) комиссияларининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Лавозими – туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича бўйича ўринбосари, *комиссия раиси*
2. Лавозими – туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича бошқармаси бошлиғи, *комиссия раиси ўринбосари*
3. Лавозими – туман (шаҳар) Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш бўйича инспекцияси бошлиғи
4. Лавозими – туман (шаҳар) молия бўлими мудири бўйича
5. Лавозими – туман (шаҳар) солиқ инспекцияси бошлиғи бўйича
6. Лавозими – худудий “Чорванасл” маркази туман вакили, *комиссия бўйича котиби*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 12 июл даги 434 -сон  
қарорига З-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2014 й., 37-сон, 469-модда) билан тасдиқланган Наслли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-бандда:

“а” кичик бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“а) гўшт ва сут қорамолчилигига – ёши энг кўпи билан 18 ойгача бўлган зотдор урғочи бузоқлар, бўғоз бўлган ва кутилаётган туғиш вақтидаги ёши 36 ойдан кўп бўлмайдиган, ҳомиланинг отаси тўғрисидаги қўшимча маълумотлар бўлган ғунажинлар танланади”;

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

б) “б” кичик банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“б) қўйчилик ва эчкичилиқда – мустаҳкам конституцияли, Ўзбекистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароитларида урчиши учун мос келадиган ёши 6 ойликдан қам бўлмаган наслдор қўй ва эчкилар танланади”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2017 й., 38-сон, 1057-модда) билан тасдиқланган Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсан:

“13. Импорт қилинган ҳайвонлар йигирма бир кундан кечиктирмасдан идентификация қилинади”;

б) 27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсан:

“27. Ҳайвон эгаларининг аризасига мувофиқ давлат ветеринария хизмати томонидан ҳайвонларни идентификация қилиш, ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ уч кун ичida амалга оширилади”;

в) 1-илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсан:

“Ҳайвонларни идентификация қилиш, ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш схемаси”.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июнданги 532-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги “Ўзбекчорванасл” агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 9-банднинг бешинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги бешинчи – тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“озуқабоп экинларни етиштириш учун ажратилган ер участкаларида ушбу экинлар етиштирилишини мониторинг қилиш;

паррандачилик ва қуёнчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини изчил амалга ошириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда нархлар мониторингини юритиш;

паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, маҳсулотлар нархлари шаклланишининг мақбул механизмини белгилаш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

парранда ва қуёнлар учун тўла қийматли, юқори оқсилли озиқалар ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан паррандачилик ва қуёнчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида ишлаб чиқилган инновацион технологияларни кенг жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш”;

б) 10-бандга қўйидаги мазмундаги “д” – “з” кичик бандлар қўшилсин:

“д) паррандачилик ва қуёнчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини изчил амалга ошириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда нархлар мониторингини юритиш соҳасида:

паррандачилик ва қуёнчилик тармоқларини ривожлантиришга доир дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

парранда ва қуёнларни парваришлаш технологиялари бўйича ҳалқаро тажрибадан келиб чиқсан ҳолда таҳлилий ишларни амалга оширади;

экспорт қилиш қоидалари (шартлари) бўйича таклифлар тайёрлайди;

экспорт масалалари бўйича ҳалқаро шартномалар ва битимларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади ҳамда соҳадаги тадбиркорларни бошқа компаниялар билан ҳалқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашади;

ички ва ташқи бозларнинг ҳолати ва маҳсулотга бўлган талабини таҳлил қиласи ва мониторингини юритади;

паррандачилик ва қуёнчилик соҳасида тезкор онлайн-мониторинг юритиши бўйича интеграциялаштирилган ахборот тизимини шакллантиради ва юритади;

*e) паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириши бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга ошириши, маҳсулотлар нархлари шаклланишининг мақбул механизмини белгилаш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқши соҳасида:*

аҳоли ўртасида паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларининг истеъмол даражасини ошириш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради;

оммавий ахборот воситаларида маҳсулот етиштирувчилар томонидан ижтимоий тусдаги, шу жумладан, парранда ва қуён гўштининг фойдали томонлари, парранда ва қуён боқиши авғзалликлари ҳақидаги маълумотларни ёритиши бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтириши бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга оширади;

маҳсулотлар нархлари шаклланишининг мақбул механизмини белгилаш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

халқаро даражадаги эксперталар ва мутахассислар билан ҳамкорликда маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтириши бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича лойиҳаларни ташкил этиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш, бозор конъюнктураси бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, хорижий инвестициялар ва беғараз техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш чораларини кўради;

*ж) парранда ва қуёнлар учун тўла қийматли, юқори оқсилли озуқалар ишлаб чиқарии учун янги ишлаб чиқарии қувватларини ташкил этиши ва мавжудларини модернизация қилиши йўли билан паррандачилик ва қуёнчилик тармогининг озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида:*

парранда ва қуёнларни тўла қийматли озиқлантириши бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

озуқа ем тайёрлашни кўпайтириши бўйича янги ишлаб чиқарии қувватларини кенгайтириши бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тадбиркорларга етказади;

паррандачилик ва қуёнчилик тармоғи озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида интенсив технологияларни кўллаш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганади;

чет давлатлардан сифатли озуқалар ва уларнинг қўшимчалари келтиришни ташкил этиши бўйича хамкорликдаги ишларни ташкил этади;

3) паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини етишириши ва қайта ишләш соҳасида ишлаб чиқилган инновацион технологияларни кенг жорий этиши учун илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиши соҳасида:

агентлик мутахассисларини ва ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассисларни тегишли малака ошириш курсларига, шу жумладан, хорижга юбориш орқали қайта тайёрлаш бўйича тадбирлар амалга оширилишини ташкил этади;

инновацион технологияларни кенг жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

инновацион технологиялар ривожланишининг жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, илмий-тадқиқотлар ва экспериментал ишланмаларни кўллаб-куvvатлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги лойиҳаларни ишлаб чиқади”.

**4. Вазирлар Маҳкамасининг “Лалми ва ялов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиширувчиларнинг сугориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ ҳаражатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 15 июлдаги 587-сон қарорида:**

а) 2-банддаги “1-илова билан тасдиқланган рўйхат доирасида” сўзлари “чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларига ва омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарда” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Ушбу Низом чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларига ва омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга озуқабоп экинлар етишириш, томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш мажбуриятлари билан лалми ва ялов ер участкалари ажратилган ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – озуқабоп экинлар етиширувчилар) сугориш тик қудуқларини бурғилаш билан боғлиқ ҳаражатларини қоплаб бериш тартибини белгилайди.”

**5. Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарорида:**

а) қарорга 1-иловада:

4-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари, 11-банднинг учинчи хатбоши, 12-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“10. Импорт қилинадиган наслдор қорамоллар қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

гўшт ва сут йўналишидаги хўжаликларда – наслдор қорамолларнинг туғиши вақтида кутилаётган ёши 30 ойдан кўп бўлмаслиги, бўғоз бўлган,

ҳомиланинг отаси тўғрисидаги қўшимча маълумотлар мавжуд бўлиши лозим”;

11-банднинг иккинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ёши кўпи билан 18 ойгача бўлган зотдор ургочи ёш қорамол бўлиши”;

12-банднинг учинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“наслдор қўй ва эчкilar ёши 6 ойликдан қам бўлмаслиги;”;

15-банда:

учинчи хатбоши қуидаги таҳрида баён қилинсин:

“наслдор қорамол, қўй ва эчкининг идентификация электрон базасига киритилганлиги”;

бешинчи хатбоши қуидаги таҳрида баён қилинсин:

“божхона юк декларацияси нусхаси”;

27-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қарорга 2-илованинг 12-банди иккинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари ҳамда 3-илованинг 10-банди иккинчи, учинчи ва олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

в) қарорга 4-илова қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил  
12 майдаги 280-сон қарорига  
4-илова

**Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил  
этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

**Т/р Ф.И.О.**

**Иш жойи ва лавозими**

1. Лавозими - Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича үринбосари, комиссия раиси
2. Лавозими - Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлифи, комиссия раиси үринбосари
3. Лавозими - Туман агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлифи
4. Лавозими - ҳудудий “Чорванасл” маркази туман вакили, комиссия котиби бўйича

**Изоҳ. Комиссия таркибига заруратга кўра, бошқа ташкилотлар вакиллари жалб этилиши мумкин.**

”

г) қарорга 5-илова қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
“

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил  
12 майдаги 280-сон қарорига  
5-илова

**Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали  
ташкил этишин таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси  
ва вилоятлар комиссияларининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

T/p **Ф.И.О.**

**Иш жойи ва лавозими**

1. Лавозими - Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, комиссия раиси
2. Лавозими - Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари
3. Лавозими - Вилоят агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
4. Лавозими - худудий “Чорванасл” маркази директори, комиссия котиби бўйича

**Изоҳ. Комиссия таркибига заруратга кўра, бошқа ташкилотлар вакиллари жалб этилиши мумкин.**

“

